

## Илм ўчоғига чорловчи маскан

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали ҳузуридаги академик лицейи ва Бухоро давлат университети Қоракўл академик лицейи ўртасида шартнома тузилди.

ТИҚХММИ Қарши филиали ҳузуридаги академик лицейи директори Тошмуродов Ё.Қ. ва академик лицейи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Тошев Ж. Бухоро давлат университети Қоракўл академик лицейига ташриф буюриб, академик лицейдаги эришилган натижалар ва ютуқлар, йўлга қўйилган ишлар, ундаги ташкил этилган таълим тизими билан чуқурроқ танишишди, қолаверса, академик лицейда иқтидорли ва билимли ўқувчиларни саралаш тўғрисида суҳбатлашилди.

Ушбу ютуқлар билан Қоракўл академик лицейи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Бозоров Н. чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан таништириб ўтди. Кейинги даврда икки академик лицей ҳамкорликда ишларни олиб бориши келишиб олинди. Бунда ўқувчиларнинг бир-бири билан ўзаро билим алмашиши ва малакали ўқитувчилар эса биргаликда фан олимпиядалари ғолибларини тайёрлашда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.



Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов